Е 7 029 7

Илм ўзни билмакдир

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ ✱ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ✱

1931 йилдан чиқа бошлаган   1997 йил 19 февраль, чоршанба   Баҳоси сотувда эркин нархда.   № 15 (6911)

*Даъват*

Ўргатмоқнинг йўли узоқдир, ибратнинг йўли эса қисқа ва муваффақиятлидир.

**СЕНЕКА**

*Ибрат*

Яқинда Қоровулбозор шаҳрида 624 ўринли янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Нефтчилар фарзандлари таълим оладиган ушбу зиё масканини «Қаршиқурилиш» трестининг 15-кўчма механизациялашган колоннаси қурувчилари қисқа муддатда барпо этишди. Янги мактаб ёнида 140 нафар кичкинтойга мўлжалланган болалар боғчаси ҳам тикланди.

**«Ақлий заковат ва руҳий- маънавий салоҳият — маърифатли инсоннинг икки қанотидир».**

**Ислом КАРИМОВ.**

*Sharh*

# ЁШЛАР ЎРГАНИШИ УЧУН ИМКОНИЯТ ЗАРУР

Вилоятларда ўтаётган сессияларнинг ҳар бири ўзига хос равишда ўтмоқда. Бу ўзига хослик, аввало, муҳокама қилинаётган масалалар, кўтарилаётган долзарб муаммолар кўламида кўринаяпти. Энг асосийси, жамият ривожига йўл бермаётган тўсиқлар очиб ташланяпти ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб беріляпти.

Яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ҳам ана шундай ўзига хослик ҳукмрон бўлди. Амалга оширилган ижобий ишлар таъкидланди. Шу билан бирга вилоятдаги кўп қиррали иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида эмаслиги айтилиб, бу қирраларнинг ҳар бири алоҳида таҳлил этилди. Камчиликлар очиб берилди.

Иқтисодий ўзгаришларни, янгиликларни кимлар ҳаётга татбиқ эта олади? Албатта, малакали, маънавий даражаси юксак кишилар. Президент маънавият ва маърифатни ривожлантириш давлат сиёсатининг энг устивор йўналиши эканлигини яна бир бор таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

**«Маълумки, инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг ва давлатнинг куч-қудрати фуқаролар маънавий-маърифий савиясининг даражаси билан баҳоланади.**

**Маърифат — маънавиятга олиб келадиган йўл. Бугун қилаётган яхши ишларимиз келгуси авлод баркамоллиги учун хизмат қилиши, шубҳасиз. Бугун қандай кўчат эксак, эртага шундай мева оламиз. Ёш авлодни эл-юртга, Ватанга садоқатли, иймон-эътиқодли, мард ва жасур, юқори малакали, маънавияти юксак инсонлар қилиб тарбиялашда таълим ўчоқларининг алоҳида ўрни бор.**

**Таҳлил шуни кўрсатадики, вилоятда халқ таълими тизимида таълим-тарбия ва касбий тайёргарлик ўртасидаги ўзаро алоқалар яхши эмас. Таълим масканларининг моддий-техника базасини яхшилашга, таълим-тарбия соҳасига, ўқитувчилар, тарбиячилар таркибига етарли эътибор берилмаяпти. Агарки, маънавиятнинг аҳамиятини, унинг ҳаётимиздаги ўрнини жойига қўймоқчи бўлсак, авваламбор, мана шу масалаларни ечмасдан иложимиз йўқ».**

Ушбу сессиянинг бошқаларидан асосий фарқларидан бири кадрларга бўлган муносабатдир. Буни юқоридаги кўчирмадан ҳам сезиб олиш мумкин. Барча соҳалар қатори таълим тизимидаги кадрларнинг ҳам ҳар томонлама етук бўлиши ибратли натижалар беради. Дейлик, ёш кадрларнинг маънавияти юксак даражада. Ўз соҳасини ҳам яхши билади, яъни бу соҳага алоқаси йўқ бўлган ёки савияси паст бўлган ҳар қандай «таниш-билиши»ни ишга олишга унинг виждони йўл қўймайди. Чунки у ўз соҳасининг одами эмас ва албатта, иш юритишда бундай кадрлар табиий равишда халақит беради. Яна бир жиҳати борки, биз ҳануз воқеликни эски қолипларда ўлчаймиз, эскича ёндашамиз. Бу ҳам ишнинг олға кетишига тўсқинлик қилади. Президент нутқида бу жиҳат алоҳида таъкидланди.

**«Биз ҳозирга қадар субъектив ҳолатлар ҳукмрон бўлган шароитда яшамоқдамиз. Ижтимоий турмушимизда иқтисод, ҳаёт қонунлари кўп жойларда ишламаяпти. Эскича фикрлаш, эскича қарашлар, боқимандалик ҳамон бизнинг асосий душманимиз, энг заиф жойимиз бўлиб қолмоқда.**

**Бу касалликлардан қутулишнинг энг тўғри, энг маъқул йўли шуки, раҳбарлик лавозимларига эски сарқитлардан халос бўлган, янгиликка интилувчан ёшларни кўтариш керак».**

Сессиядаги Президент нутқида алоҳида таъкидланган яна бир жиҳат — матбуотга муносабат, матбуотдаги юзакиликлардир. Гап кадрлар борасида экан, жумладан, журналист кадрларга, хусусан айни кунда кўпчилик университетларда тайёрланаётган бўлғуси журналист кадрларнинг савияси ҳақида ҳам тўхталишни лозим топдик. Ахир ҳозирча журналистларни университетлар тайёрлар экан, домлалар қатори талабаларга ҳам талабни кучайтиришимиз керак эмасми? Ахир талаба-журналистни мажбурлаб ёздириш уят-ку! Ёзиш, ёзганда ҳам чуқур таҳлил билан ёзиш унинг вазифаси бўлиши керак. У мақола ёзиш асносида жамиятни, қонунларни ўргансин. Воқеликка муносабат билдира олиш кўникмасига эга бўлсин. Ахир улар ҳам эртанги куннинг кадрларида.



*Биологлар фақат ўрганмайди, яратади ҳам. Андижон вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли Обид Содиқов номидаги химия-биологияга ихтисослашган 2-лицейда ҳам ана шундай яратувчи ёшлар таҳсил олишяпти.*

*СУРАТДА: лицейнинг ташаббускор ўқитувчиси Муҳаббат Абдурасулова ёш биологларнинг мустақил ишларини кузатмоқда.*

**Ю. ТЕМУРБОЕВ олган сурат.**

# АҚЛЛИ БЎЛИШ КИФОЯ ЭМАС...

Истеъдод — ижодий қобилият тушунчасини билдиради. Демак, ижодий жараёнда ўғил-қизлар лаёқатини, ҳар ишга қодирлигини намоён этади. Қодирлик уларнинг иқтидорлилигидан дарак беради. Лаёқат ва қодирлик маъно жиҳатидан бир-биридан бироз фарқланади, холос. Француз файласуфи Рене Декарт «Ақлли бўлиш кифоя эмас, муҳими — уни ишлата билиш» деганда, у боланинг кўпроқ фикрлай билишини назарда тутганди. Шу жиҳатдан қараганда, ўтган ҳафтада «Ўзбекистоннинг истеъдодли болалари» Республика илмий-амалий конференцияси истеъдод эгасини тарбиялаш масалаларига бағишлаб ўтказилгани ҳам бежиз эмас.

Республика «Истеъдод» марказининг директори, психология фанлари доктори, профессор **Ботир Қодиров**нинг ялпи мажлисдаги маърузасида ҳам ана шу руҳ сезилиб турди. Нотиқ истеъдодга илгари аҳамият берилмагани, барча бир хил дастур ва режа асосида ўқитилганини куйиниб қайд этди.

— Аслида истеъдод нозик инъом, нодир хислат. — деди у. — Лаёқатлилар орасида андишали ўғил-қизлар кўп. Шу боис уларни юзага чиқариш учун моддий ва маънавий муҳит зарур бўлади.

Гап шундаки, истеъдодни ақлли, идрокли, ташкилотчилик қобилияти зўр, жисмоний, техник ижодиёт йўналишли, юксак бадиий дидли сингари турларга бўлиш, ажратиш мумкин. Фақат уларни саралаш, қадрлаш, ҳимоялаш, тарбиялаш, шу билан бирга «Билим олишга чанқоқми?» «Танлаётган касбига мойиллиги кучлими?» саволлари, тамойиллари асосида танлаш мақсадга мос келади. Ўтган йили Давлат Тест марказининг билим тестларини илмий жиҳатдан бирмунча бойитиш ҳақида фикрлар айтилган эди. Шу асосда мутахассисларга эҳтиёж катталиги инобатга олиниб, «Истеъдод» марказида педагогик-психологик тестлар тузилди, истеъдодлилар банки ташкил этилди. Зеро, заковатли ёшлар — тараққиёт манбаи экан, барчамиздан кучларимизни бир нуқтага жамлаш, мустақил юрт тараққиётига хизмат қилиш талаб этилади.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи Гуландон Алимова маърузаси янги турдаги мактабларда истеъдодли болалар билан ишлашнинг долзарб муаммоларига бағишланди. Жумладан, у янги технологиялар, йўналишларнинг самараси ва таъсири, шунингдек, таълим муассасалари амалиётига кенг татбиқ этиш масалаларига атрофлича тўхталди.

— Маълумки, мамлакатимизда таълим бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларни йўналтирувчи ва белгиловчи бош ҳужжат «Таълим тўғрисида»ги қонун бўлиб, у ривожланаётган демократик мактаб концептуал асосларини белгилаб берди, — деди нотиқ. — Айнан шу қонун асосида янги турдаги таълим муассасаларининг барпо этилиши, юқори самара берувчи педагогик ғояларни ва технологияларни амалиётга татбиқ қилиниши таълим мазмунини бойитишга катта ҳисса қўшаяпти. 1991 йилда Республикамизда 8 та лицей ва 8 та гимназия фаолият кўрсатган бўлса, 1996—97 ўқув йилида улар сони (233 лицей, 136 гимназия) янада ошди.

Мамлакатимизда янги турдаги таълим муассасалари шохобчаларини кенгайтиришда Вазирлар Маҳкамасининг ҳар бир олий ўқув юртлари қошида гимназия, лицей, бизнес мактаби ташкил этиш тўғрисидаги қарори муҳим аҳамият касб этди. Шу қарор асосида 1996—97 ўқув йилида 44 та лицей, 8 та гимназия ташкил этилди. Янги турдаги ўқув муассасаларини ўқувчиларнинг қизиқиш ва интилишларига мос ҳолда турли йўна-

(Давоми 2-бетда).

# НАВБАТ СЎНГГИ БОСҚИЧГА

Маълумки, ўтган йили республика миқёсида «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир!» мавзуидаги ўқувчилар ижодий иншолари кўрик-танлови эълон қилинган эди. Ўтган вақт давомида ушбу кўрик-танловнинг мактаб, туман ҳамда вилоятдаги босқичлари бўлиб ўтди.

Дарҳақиқат, барча ана шу босқичлардаги тўсиқлардан ҳормай- толмай ўтган ўқувчилар эртага ҳал қилувчи синовлардан ўтадилар. Тўғрироғи, йилимизнинг 20-23 февраль кунлари пойтахтимизда «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир!» мавзусидаги мазкур иншолар кўрик-танловининг якунловчи республика босқичи бўлиб ўтади.

*Pedagogik nuqtai nazar*

# ИЛМ — ИШОНЧ ДЕМАК

Бозор иқтисоди шароитида ҳар бир ишлаб чиқариш соҳаси қобилиятли мутахассис қўлига ўтсагина иқтисодимиз мукаммал ривожланиш босқичига кўтарилади. Бунинг учун ҳам баъзи бир жиддий ишларни бажариш зарур бўлмоқда.

Сир эмас, мустақилликка эришгунимизча фуқаролар мутахассис сифатида эмас, балки коммунистик ғояга садоқат билан «қадрланарди». Шунинг учун авлодларимиз ёшлигидан, аниқроғи, ақлини танишидан бошлаб «коммунизм» идеалига сиғинарди ва октябрят, пионер, комсомол ва коммунист бўлиш билангина ўзининг «порлоқ» келажагини тасаввур қиларди. Ҳамма шунга интиларди. Қолаверса, мазкур жараён умумтаълим мактабларида узлуксиз давом этиб, натижада ҳаммамизни «сиёсатчи» қилиб вояга етказарди. Бу ҳолат бутун авлодларнинг диққат-эътиборини «ишончли» далиллар билан қамраб олган қуруқ гапдан иборат бир жараён бўлиб тўлиқ шаклланган эди.

Бугунги кунга келиб ҳам бундай иллатдан тўлиқ қутулиш ёки қутулиб кетишнинг аниқ воситалари, йўллари ва услублари мактабларимизга кенг қамровли кириб келганича йўқ. Айниқса, бу хулосамиз тўғрилигининг исботини ўқувчиларимиз учун ёзилган дарсликлар мазмунидан ҳам яққол кўришимиз мумкин. Ҳолбуки, энди биз эскилик фожиаларидан фақат мазмундор дарсликлар орқали авлодларни аниқ бир ҳунар эгаси — мутахассис қила оладиган воситалар яратиш билан қутулишимиз мумкин.

Бу долзарб муаммони ижобий ечиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 1995 йилнинг 29 июлда қабул қилган 296 қарор ва шу қарор асосида жойларда ҳунар лицейи ва бизнес мактаблари ташкил этилиши қувончлидир. Бизнинг фикримизча, ташкил топган ўқув юртлари фаолиятиинг мазмуни ҳозирги замон талаби даражасида эмас. Албатта, бу ўқув юртларини замон талаби даражасига етказиш жуда жиддий муаммо. Чунки уларга ҳам умумтаълим мактабларидан ўқувчилар келади. Ачиниб айтиш мумкинки, мактабларимизда ҳозир ҳам қуруқ, зерикарли назарий билимлар, ҳаммага маълум қонуният, қоида, теорема, таърифлар ўқитилмоқда. Виждонан ўйлаб кўрайлик, отамиз шу назарий билим асосида ўқиган, ўзимиз ҳам шуни ўрганганмиз, фарзандларимиз ўшани ўрганаяпти, невараларимиз ҳам шуни ўрганса, унда нима бўлади? Бунинг оқибатини ўйлайлик!

Ўрта мактабларнинг I-XI синфлари учун мўлжалланган дарсликларни умр бўйи ўқисада ёшларимиз бирор соҳа мутахассислиги нари турсин, ҳатто оддий бир ҳунар эгаси ҳам бўла олмайди.

Кузатишларимизнинг кўрсатишича, очиқчасига айтадиган бўлсак, энди мактабларимиздаги **«меҳнат таълими»** предметининг **«ҳунар таълими»** деб номланишига эришсак ва мазкур предметнинг бошқа фан тармоқлари ютуқлари билан тўлиқ, амалий боғлашга интилсак, унда юқоридаги предметлар тўғрисидаги чигалликлар ойдинлаша боради. Шундагина бизнингча, босқичли таълим жараёни узлуксиз бўла боради. Ҳунар тўғрисида илмий тушунчаси бор одам (шахс) ўқувчи олдида дарс ўтишга мажбур бўлади. Ўз-ўзидан «меҳнат таълими» деб тушунилиб келинаётган у-бу иккинчи даражали ишларни бажариш, қуйингки, синфдан, мактабдан ташқари ишлар билан ноўрин уйғунлашув барҳам топади. Айрим йўқ тадбирларга сарфланаётган мақсадсиз маблағлар ўз ўрнини ҳунар ўрганиш жараёнига бўшатиб бера бошлайди. Эришилган хулосаларимиздан келиб чиқиб, фарзандларимизга ўргатилаётган баъзи предметлар мазмунини оддий таҳлил этсак, тубандаги ҳолатларни келтириб чиқаради.

**АЛГЕБРА. Ўрта мактабнинг 9-синфи учун дарслик. Русча нашрини С. А. Теляковский таҳлил қилган. Т. «Ўқитувчи», 1994.**

Мазкур дарслик квадрат функция, тенгламалар ва тенгламалар системалари, арифметик ва геометрик прогрессия, рационал кўрсаткичли даража, тригонометрик ифодалар ва уларни шакл алмаштириш мазмунида ёзилган. Агар ушбу мазмун билан 9-синф ўқитилса, бизнингча, математиканинг ушбу ўқув курсини ўрганишдан ўқувчи зерикади, бу мавзулар кетма-кетлиги ўқувчини математика фани тармоқларини ўзлаштиришга

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

3-БЕТ.

Ойдин ҲОЖИЕВА: ГУЛДАСТА ЎРНИДА МАКТУБ

4-БЕТ.

# ЖУМЛАДА ЖАҲОН

**● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан шу пайтгача Бешариқ тумани ҳокими лавозимида ишлаган Нўъмонжон Шодиевич Мўминов Фарғона вилояти ҳокими этиб тайинланди.**

**● Литва Республикаси Президенти Алгирдас Бразаускас Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан шу йилнинг 19 — 21 февраль кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.**

**● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари қўмитаси 1997 йилги Абдулла Қодирий номидаги давлат мукофотини олиш учун ижодий танловга тақдим этилган номзодлар рўйхатини «Халқ сўзи» газетасида эълон қилди.**

**● Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқарувининг пленумида жамғарманинг ўтган йилги иш якунлари ва галдаги вазифалар муҳокама қилиниб, жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари фаолиятидаги жиддий камчиликларга эътибор бериш зарурлиги қайд қилинди.**

**● Украина флоти қўмондони ўринбосари Юрик Шалик Россия ҳарбий кемаларининг шу йилнинг август ойи охирларида Қримда бўладиган ҳарбий ўқув машқларида Украина билан ҳамкорликда иштирок этиши ҳақида баёнот берди. Шунингдек бу ўқув машқида Буюк Британия, Франция, Туркия, Италия ва Румыния денгиз кучлари ҳам қатнашиши мумкин.**

**● Сингапурда бўлиб ўтган 25 давлат ташқи ишлар вазирларининг конференциясида икки қитъа мамлакатлари алоқасини янада мустаҳкамлаш, хавфсизликни таъминлаш, терроризм ва наркобизнесга қарши курашда кучларни бирлаштиришга келишиб олинди.**

**● АҚШнинг янги давлат котиби Мадлен Олбрайт хоним ўзининг бу лавозимдаги илк хорижий сафарини Италияда бошлади. 10 кунга чўзиладиган ва 9 мамлакатга ташрифни кўзда тутган бу сафар давомида НАТОнинг Шарққа томон кенгайиши муҳокамаси асосий вазифалардан биридир.**

*O'tkir burchak*



— Ҳадеб китобга термулавермай, сўнгги модадаги кўйлагимга баҳо берсанг-чи.

Зокир Усмонов чизган сурат.

## МММ ХАБАРЛАРИ

### ЯНА БИТТА УЧРАШУВ

*Жалолқудуқ туманидаги музика мактабининг 11-синф ўқувчилари табаррук фахрийлар билан учрашув ўтказди. Ёшларни Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида ўтказилган бу учрашувда «Ватан соғинчи», «Мусофирлик», «Ватан шаббодаси»,»Она ва юрт» мавзуларида суҳбатлар бўлиб ўтди. Унда туман мудофаа ишлари бўлимининг мудири Алижон Ғаффоров, Рустам Мадраҳимовлар иштирок этдилар.*

### «ТАБАССУМ» — ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

*Чортоқ шаҳридаги 14 — мусиқа мактаби биносида «Ўзбекистон — қўшиқ байрами»нинг дастлабки босқичи бўлиб ўтди. Кўрик-танлов асосида ўтказилган ушбу байрам дастурида шаҳар ҳудудидан саккиз даста иштирок этди. Улар ўзаро Ватан мадҳи, миллий урф — одатлар, мавсумий ва миллий қўшиқлар каби туркум жанрларда куч синашдилар. Умумий тайёргарлик ва ижрочилик даражаси бўйича ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, Чортоқ маиший хизмат кўрсатиш лицейининг «Табассум» командаси 1-ўринни олишга муяссар бўлишди.*

### BAYRAM TARADDUDI

*Qashqadaryo viloyat hokimligi, madaniyat ishlari boshqarmasi, ma'naviyat va ma'rifat markazi, «Oltin meros» xayriya jamg'armasi va «Kamolot» tuman yoshlari jamg'armasi hamkorlikda Navro'z umumxalq bayramiga bag'ishlab xalq qo'shiqlari ko'rik-tanlovini o'tkazish uchun tayyorgarlik ishlarini boshlab yubordi. Tanlov oldiga, xalq og'zaki ijodini jonlantirish, milliy xalq qo'shiqlarini tiklash va boyitish bilan birga yangi iste'dod egalarini aniqlash kabi maqsadlarni qo'ygan.*

### САВОДХОНЛИК БАЙРАМИ

*Юнусобод туманидаги Зокир Маъруфов номли 83-ўрта мактабда барча 1-синф ўқувчиларининг саводхонлик байрами бўлиб ўтди. Байрам республикамиз мадҳияси билан бошланди. Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини мактаб ўқувчилари яхши ўзлаштиришганини ёд олган шеърларида, топишмоқ ва тез айтишларида намойиш этишди. Шунингдек, байрамда ўқувчилар соҳибқирон Амир Темур ўгитлари, Навоий ва Бобур ғазалларини ўқидилар ва ота-оналар ҳамда мураббийларнинг олқишига сазовор бўлдилар.*

**Муаллифлар: Fotima JUMAYEVA, Бобур ОТАМУРОДОВ.**

# ИСТЕЪДОДЛИ БОЛАЛАР — МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ

## АҚЛЛИ БЎЛИШ КИФОЯ ЭМАС...

(Боши 1-бетда).

лишларда ташкил этиш йўлга қўйилди. Масалан, математика, физика, химия ва биология фанларини чуқур ўрганиш йўналишидаги янги турдаги ўқув муассасалари сони кейинги йилларда 25 тадан 160 тага кўпайди, ижтимоий фанлар бўйича 25 та, иқтисодий билимлар бўйича 38 та лицей ва гимназиялар ишламоқда. Фарғона, Наманган, Тошкент ва Андижон вилоятларида ҳуқуқий билимларни чуқурлаштириб ўргатиладиган янги турдаги ўқув муассасалари ташкил этилди.

Сирасини айтганда, янги турдаги ўқув муассасаларини ташкил этишга бундай ёндашув ўқувчиларнинг шахсий лаёқати, қобилияти ва истеъдодини рўёбга чиқаришда, уларни миллий ва ҳудудий жиҳатдан ўзига хослигини таъминлашда мамлакатнинг турли касбдаги юқори малакали кадрлар тайёрлашдаги эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамият касб этади.

Янги турдаги таълим муассасалари дастлабки ташкил қилинган йилларда уларни битирганларнинг 45—50 фоизигина олий ўқув юртларига кирган бўлса, ҳозирга келиб, бу кўрсаткич 70—80 фоизни кўрсатаяпти. Республика Нафис санъат лицейи, Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани, Сурхондарё вилояти Узун тумани ва Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги лицейларни тугатган ўқувчиларнинг 95—100 фоизи республика олий ўқув юртлари талабалари бўлишди.

Ҳар йили ўтказиладиган Республика фан олимпиадаларида ғолиб чиққанларнинг кўпчилигини янги турдаги ўқув муассасалари ўқувчилари ташкил қилмоқда. Масалан, Бухоро вилоятидан 5 нафар, Наманган вилояти ва Тошкент шаҳридан 4 нафардан лицей ўқувчилари 1996 йилда ўтказилган Республика фан олимпиадасида совринли ўринларни эгаллаб, олий ўқув юртларига тест-синовларисиз кириш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Лицей, гимназияларда олиб борилаётган педагогик тажрибалар натижалари республикамиздаги бошқа умумтаълим муассасаларида ҳам қуйидаги омиллар: ижодкор ўқитувчи билан билимга чанқоқ ўқувчининг ижодий иттифоқини яратиш; ўқувчилар билимини кўп баллик тизимда баҳолаш орқали таълим муассасасининг ички бошқарув тартибларини такомиллаштириш, ўқитувчилар фаолиятига ва ўқувчилар билимига адолатли баҳо бериш; иқтидорли ўғил-қизларга таълим-тарбия бериш бўйича педагогик тажрибалар майдонини яратиш ва улардан олинган ижобий натижаларни умумтаълим муассасаларига жорий қилиш; ижодкор ва ташаббускор педагогларни қўллаб-қувватлаш, улар билан ишлаш бўйича маълумотлар банкини яратиш ҳамда натижаларга кўра ўқитувчилар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалаларини такомиллаштириш эътиборга олинган ҳолда жорий қилинмоқда. Булар фақат ижобий натижаларга олиб келади.

Янги турдаги таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш, олий ўқув юртларидаги таълим мазмунига ижобий таъсир қилишдан ташқари мустақил, эркин фикр юритадиган шахсни тарбиялашга ҳам жиддий эътибор қаратилиши лозим.

Албатта, ҳамма нарса ўз-ўзидан бўлмайди. Юқори самарадорлик барча соҳада бўлганидек, таълимда ҳам тинимсиз меҳнат, изланиш орқали қўлга киритилади.

Маърузачи сўзи сўнггида рейтинг тизимида ишлаётган муассасалар, лицейларга ўқувчилар қабул қилиш қоидалари, 306, 308-лицейларнинг ўзига хос режалари афзалликлари тўғрисида фикр юритди. Келажакдаги вазифаларга батафсил тўхталди.

Ялпи мажлисдаги маърузалардан сўнг баҳс-мунозаралар шўъбаларда давом этди. 1-шўъба йиғини иштирокчилари Республика «Истеъдод» маркази биносига тўпланишди. У ердаги баҳс педагогик ва психологик диагностика масалаларига бағишланди. Уни РТМ директори, психология фанлари доктори, профессор Ғайрат Шоумаров бошқариб борди.

Дастлаб, илмий баҳсни фарғоналик меҳмонлар — педагогика фанлари номзодлари Лариса Расулова, Саминжон Исроилжоновлар бошлаб беришди. Шундан сўнг Тошкент вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти доценти В. Фефелов Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти 1-курс талабалари орасидаги тажрибаси, талабаларнинг техник лаёқати, қобилиятлар мутаносиблиги ҳақидаги илмий изланишлари хусусида таҳлилий фикр юритиб, даврага ўзига хос руҳ киритди.

Қашқадарё вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти ходими Зуҳрахон Ҳосилова болалар боғчасидаги изланишларни сўзлаб берди. Унинг истеъдодни аниқлаш, ўғил-қизларнинг қизиқишларини ўрганиш борасидаги кузатишларини мутахассислар интиутивной методика деб баҳолашди.

Бу шўъбада психология фанлари доктори, профессор Ботир Қодиров иштироки ўзига хос салмоқ касб этди. Ўғил-қизлардаги майл, қобилият, истеъдод тушунчалари тафовут, мактаблардаги бирламчи танлов, социометрик усул афзалликлари тўғрисидаги фикрлари кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Айниқса, домла қўллаётган босқичли (вербаль, новербаль тестлар, психологик тестлар, педагогик тестлар) тестлар, шунингдек, унинг 60 жумлали 1-методикаси, 100 сўздан иборат (80 таси тўғри, 20 тасида камчилик бор) 2-методикаси истеъдод марказига шуҳрат келтираяпти...

Биринчи шўъба йиғилишида психодиагностик методика яратиш, йўриқномалар тузиш, яратилган методикани расман эълон қилиш каби таклиф ва мулоҳазалар ҳам билдирилди.

Анжуманнинг III шўъбаси (Республика «Истеъдод» маркази биноси)да лаёқатлар, қобилиятлар ва истеъдоднинг психологик ва психофизиологик масалалари кенг муҳокама қилинди. Уни психология фанлари доктори, профессор Ботир Қодиров бошқарди. Унда асосан ёш тадқиқотчилар чиқиш қилишди. Ёш тадқиқотчилар Юлдуз Ҳамидова, Нодир Маҳмудов, Камолиддин Қодиров, Мансур Зокировлар изланишлари эътиборга моликдир. Улар асосли фикрлари билан тадқиқотлари долзарблигини исботлаб беришди.

Низомий номидаги ТДПИ бошланғич таълим методикаси кафедраси катта ўқитувчиси Мамаказар Жумаевнинг «Лаёқатли кичик ёшдаги ўқувчилар билан ишлашни ташкил этиш» тажрибаси ҳам эътиборга сазовордир. Ёш олимнинг мактабдаги тадқиқоти сирасига кичик ёшдаги ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ўстириш, касбга мойиллик даражасини аниқлаш, ўқитишда аждодлар меросидан фойдаланиш, боланинг педагогик, психологик мулоҳазалаш даражасини аниқлаш масалалари киради. Бунда у эришган натижалар, ёш ўқувчилар билан ишлаш тажрибаси кўпчиликни ҳайратта солди...

Анжуман йиғилишларида немис мутахассислари Иоганни Гётенинг «Қобилият барвақтроқ билинади, аммо у ўқувга айланиши зарур», ҳикмати хаёлимизда қайта-қайта жонланаверади. Гап шундаки, ҳар иккала йиғинда ҳам истеъдодни танлаш, авайлаш тўғрисида атрофлича гапирилди, хулосалар чиқарилди. Кейинги анжуманлар танланган истеъдодларни қандай тарбиялаш масалаларига бағишланса не ажаб. Анжуман руҳи ана шундан дарак бериб турди. Айтиш жоизки, Собир Раҳимов туманидаги 309-шарқ тилларига ихтисослашган лицейда бу борада ибратли ишлар амалга оширилаяпти.







СУРАТЛАРДА: анжумандан лавҳалар.
Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

### ҲИКМАТ

***Бир донишманддан сўрадилар:***
***— Қандай қилиб илмнинг энг юқори чўққисига чиқдинг?***
***Донишманд шундай жавоб берди:***
***— Билмаган, тушунмаган нарсамни олимдан ҳам, оддий кишидан ҳам, каттадан ҳам, кичикдан ҳам сўрадим. Бу тўғрида уялмадим, номус қилмадим, ўзимни юқори тутиб, мутакаббир бўлмадим.***

***Уялма маърифатни ўрганурдан,***
***Танур жойинг бўлур, қолсанг танирдан.***

## МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ ВА ТАФАККУР КЎЗГУСИ

*Ҳар қандай миллатнинг инсоният тараққиётидаги ўрни, салмоғи миллат аҳлининг миқдори билан эмас, балки ўша халқ орасидан чиққан истеъдодларнинг оз-кўплиги билан белгиланади. Миллат ҳамда мамлакатнинг ички тараққиёти ва фаровонлик даражаси ҳам истеъдодларнинг фаолият кўламига бевосита боғлиқ бўлади. Ҳар бир мамлакат истеъдодларнинг ривожланишига имкон берилган даражадагина ривожланади. Истеъдод Аллоҳ томонидан танланган алоҳида кишиларга насиб этадиган қисматдир. Бу қисмат ҳамиша ширин, ёруғ, жозибали бўлавермайди. Кўпинча истеъдодли киши ҳаётининг таъми тахирроқ, аччиқроқ бўлади. Бошқаларга ўхшамаслик, ўзига хослик ҳамиша ҳам енгил кечавермайди.*

*Мамлакатимизда истеъдодларга алоҳида эътибор берилаётган экан миллатнинг эртасидан каттароқ умид қилиш имконияти пайдо бўлади. Чунки ҳар қандай камёб нарса сингари истеъдод ҳам, яхши парвариш талаб этади. Эътибор ва тан олиш давлат миқёсида рўй берса, натижа ҳам шунга яраша миллат миқёсида рўй беради.*

*Истеъдод шунчаки қобилият эмас. Мазкур тушунча замирида ички интизом, улкан мақсад сари интилиш қудрати, йиғинчоқлик қудрати, йиғинчоқлик, ўз ҳузуридан кеча билиш даражасидаги фидойилик сингари фазилатлар ҳам мужассам. Истеъдод алоҳида шахсда намоён бўлиб, унинг хусусий сифати бўлсада, асло унинг мулкигина бўла олмайди. Негаки, истеъдод — халқ мулки, миллий бойлик. Ундан фойдаланишда ҳам айни шу жиҳатларга эътибор қаратиш лозим. Истеъдод меники, ундан билганимдай, истаганимдай тасарруф этаман деганлар худбинлик қилса, истеъдод уники бўлса, менга нима керак бўлса, ўзига-ўзи йўл топиб олсин дейдиганлар ҳўжасизлик қиладилар. «Бўламан деган эл бир-бирини ботирим дер», — ҳикмати бекорга айтилмаган.*

*Туркий халқлар, жумладан, ўзбек миллати жуда кўп жиҳатдан қисилган, камситилган бўлиши мумкин. Лекин истеъдодлар туғиш жиҳатдан асло қисилмаган. Истеъдодларни парваришлаш ва улардан фойдаланиш масаласи энди бу ўзига хос бўлакча мавзу. Бу соҳага ҳам алоҳида эътибор берилаётгани оққан ариқлардан сув оқа бошлаганидан далолатдир.*

**Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ,**
**Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ директори ўринбосари.**

## ИСТЕЪДОДНИНГ БЕШИГИ—ИШОНЧ

**Ҳаммада ҳам, беистисно, ўзига яраша истеъдод бўлади. Дунёда бир неча миллиард одам яшайди ва улар орасида бир-бирига айнан ўхшайдиган, бир-биридан мутлақо фарқ қилмайдиган икки кишини топиш мумкин бўлмаганидек, истеъдод ҳам бир-бирига мутлақо ўхшамайди. Ўғриликка ҳам, порахўрликка ҳам, хушомадгўйлик ёки ёлғончиликка ҳам уқув, қобилият керак. Ва яна, ҳар қандай буюк истеъдод соҳибида ҳам бир «қусур» бўлади.**

**Инсон тафаккури чегара билмайди, инсон танаси-вужуди имкониятлари ҳам. Машҳурлардан бири айттан экан — одам боласи юз йил умр кўрса ва донишликда замонасининг тенгсиз алломалари даражасига кўтарилса, демак у тафаккури ва вужуди имкониятларининг атиги ўндан биридан фойдаланган бўлар экан...**

**Бугунги кунда, шоир айтганидек, «яшамоқнинг ўзи жасорат», яшамоқнинг ўзи буюк истеъдод. Фақат бир нарса — истеъдод гулдан-да, япроқдан-да, ғунчадан-да нозик. Бир нафасда сўниши, бир нафасда мавжланиши, қад ростлаши ёки сўлиши мумкин. Баъзан унинг тақдирини бир сўз, бир ибора, бир нигоҳ ҳал қилиши мумкин. Истеъдоднинг жон томири руҳий бардамликдан озуқланади. Яъни:**

**Сиз «шу боладан чиқади» денг-да, энг аввало шу сўзингизга ўзингиз ишонинг, ўша, нимадир чиқиши кутилаётган болани ҳам ишонтиринг. Албатта чиқади!**

**Сиз «шу боланинг келажаги бор» деб айтинг, айттанда ҳам ишонтириб айтинг. Бу дунёнинг энг буюк бойлиги — одамнинг ўзига бўлган ишончи. Кўз қўрқоқ, қўл ботир, дейдилар. Агар одам рўпарасидаги тоғни қўпориб ташлашига ишонганида эди, у албатта бу ишни қилган бўларди...**

**Истеъдоднинг бешиги — ишонч!**

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,**
**«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири.**

## «ГОҲ САЙР ҲАМ ДАРКОР ЭКАН»

### Республика Нафис санъат лицейига саёҳат

Меҳмонларни лицей директори Сўлмас СУЛТОНОВ кутиб олди. Ташриф буюрганлар даставвал лицейнинг бугунги фаолияти, тарихи, муаммолари, ютуқлари билан танишди. Сўнгра лицей кутубхонасини, фан кабинетларини кириб кўрдилар. Айниқса, меҳмонларда лицейнинг ижодкор ўқувчилари ишлаган суратлар айрича таассурот қолдирди.

Шоирнинг дилбар мисраларидан юракда бир гўзаллик туясиз. Ҳофизнинг дилрабо хонишида латофатнинг бокира сирларини илғаб олишингиз мумкин. Рассомнинг «маҳсулоти»да эса гўзалликнинг суратини ўз кўзингиз билан кўрасиз. Деворларда осилган Дилшод Зувайтов, Сайфур Маъмуров, Акром Мухторов, Нодир Ражабов каби ўқувчиларнинг чизган суратларида ана шу гўзаллик мужассамлашган. Мен бу фикрларимнинг исботини меҳмонлар нигоҳида ҳам кўргандек бўлдим.

Шундан сўнг меҳмонлар лицейнинг мажлислар залига тўпландилар. Йиғилганларни хушнуд қилиш мақсадида масканнинг турли тўгарак аъзолари ўзига хос бадиий чиқишлар қилишди. Ўқилган шеърлар, куй қўшиқлар даврага ўзгача тароват олиб кирди.

Йиғилишда лицей директори меҳмонларга ўқув масканидаги бугунги жараён хусусида сўзлаб берар экан, берилган саволларга батафсил жавоб қайтарди. Меҳмонлар лицейдаги ўқитиш тажрибаларини таҳлил этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Лицейга ташриф буюрганлар бу ўқув масканидаги «обҳаво» билан батафсил танишиб қайтар экан, уларнинг кўпчилигига битта савол билан мурожаат этдик.

— Сизга лицейдаги нима ёқди-ю, нима ёқмади?

**Маматхон ЮНУСОВ, Наманган туманидаги иқтисодий юридик лицейи илмий бўлим мудири:**

— Менга лицейнинг озодалиги ва жиҳозлари, айниқса, адабиёт ўқитувчисининг олиб бораётган ишлари жуда-жуда маъқул тушди.

**Ашироӣ ЭРГАШЕВА, Навоий шаҳридаги 12-гимназия-мактаби ўқитувчиси:**

— Бизнинг гимназия фаолият кўрсата бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин мана шу лицей босиб ўтган масофани биз ҳам босиб ўтсак, менинг тасаввуримда гимназия мактабимиз бундан-да ортиқроқ ютуқларга эга бўладигандек.

**Иброҳим БАРАТОВ, Ғузор туманидаги Азиз Ҳайдаров номидаги лицей директори:**

— Биз «Нафис санъат» лицейидан фақат ўрнак олдик.

Берган саволимизга деярли ижобий жавоб олдик. Фақат биргина нохушлик айтиб ўтилдики, собиқ «қизил империя»нинг бадбўй ҳидлари анқиб турган биттагина ёзув лицейда ҳамон табаррук қилиб осиб қўйилган экан.

Дарҳақиқат, энг сўнгги фикрни ўзимдан сўрадим. Нима бўлганда ҳам республика «Нафис санъат» лицейи бугунги фаолияти билан кўпгина янги турдаги ўқув муассасаларига ҳар томонлама ибрат бўла олар экан.

## МАЗМУН ШАКЛДЕК БЎЛСИН!

### ИККИНЧИ ШЎЪБАДАГИ ФИКРЛАР ЛАВҲАСИ

Қизиқ, бизлар энди-эндигина ҳаётга татбиқ этаётган, ўзимизга янгилик деб қабул қилаётган бугунги лицейлар, гимназиялар қадим-қадим замонларда ҳам бўлган экан. Демак, кечанинг очилмаган варақларида ҳали бугунга озиқ бўладиган захиралар бисёр. Уларни ўрганиш керак.

**Рустам АҲЛИДДИНОВ,**
**Давлат Таълим стандартлари бўйича Республика инспекцияси бошлиғи.**

* * *

Жойларда очилаётган баъзи лицейларнинг аниқ режаси, моддий базаси йўқлигидан фаолияти тўхтаб қолаяпти ёки кунгилдагидек бўлмаяпти. Шунинг учун яқинда шундай қарорга келдикки, энди ташкил этилмоқчи бўлган янги турдаги ўқув муассасалари вазирликнинг хулосасидан сўнгтина фаолият бошлайди.

**Зиёвуддин ЖАЛОЛИДДИНОВ,**
**ХТВ янги турдаги ўқув муассасалари бўлими бошлиғи.**

* * *

Аслида педагог бўлиш учун кишидаги истеъдоднинг ўзи етмайди. Педагогга педагогик лаёқат керак. Бу масала шаклан оддий туюлсада, ботинан жиддий масалага киради.

**Баҳром ҚОДИРОВ,**
**Тошкент давлат педагогика институтининг ректори.**

* * *

Хуллас, «Янги турдаги мактабларнинг илмий-методик ва ташкилий масалалари» мавзуидаги ушбу мажлис юқоридаги нотиқларнинг, шунингдек йиғилганлардаги баъзи фикр ва мулоҳазалар теграсида бўлиб ўтди. Мажлисни Республика халқ таълими вазири ўринбосари Йўлдош Саиджонов бошқариб борди.

Чиндан ҳам сўнгги пайтларда янги турдаги ўқув муассасалар сони кўпайиб кетди. Мақсад эса фақат битта: Ватанга иқтидорли, маънавияти баркамол янги бир авлодни етказиб бериш. Албатта, бу чиройли гапларни ҳамма топиб гапириши мумкин. Лекин айтаётган гапларимизнинг ижроси-чи? Ахир ҳамма нарсани амалиёт ҳал қилади-ку.

Тўғри, бугун туман, вилоят, республика миқёсида ўтказилаётган кўрик-танловларда, фан олимпиадаларида лицейлардаги таълим-тарбиянинг нечоғлиги кўриниб қолаяпти. Айниқса, ҳар йили лицей биритувчиларининг 85—90 фоизи олий ўқув юртларига кириб кетаяпти. Аммо шу ўринда қизиқ бир савол туғилади. Лицейлар учун шугина ютуқнинг ўзи етарлими?

Хуллас, бугун қайси лицейга борсангиз, ҳозиргина биз санаб ўтган ютуқларга рўбару қилиб қўяди. Бизнингча, лицейларда бу ютуқларнинг бўлиши табиий. Чунки у ўқувчи иқтидорли, билимдон, шунинг учун ҳам ўрта мактабда эмас, лицейда ўқияпти. Тўғрисини айтганда, фан олимпиадаларида совриндор бўлиш, олий ўқув юртларига кириш ўрта мактаб ўқувчилари зиммасидаги юк ҳисобланади. Лицей ўқувчиларига эса бу хил талаблар билан бирга бундан-да оғирроқ вазифалар қўйилиши, қўлга киритган ютуқлар кўлами ҳам шунга монанд бўлиши керак. Демак, бундан хулоса шуки, лицейлар мавқеини янада ошириш лозим бўлади.

Бизга маълумки, лицейларга болалар махсус синовлар асосида қабул қилинади. Бу синовлардан эса ҳақиқий қобилиятли болаларгина ўта олади, холос. Шу ўринда бир нарсага эътибор беришимиз керак. Ахир қобилият билан истеъдод ўртасида фарқ бор. Дейлик, ўқувчи ўта қизиқувчан, зеҳнли, барча фанлардан «аъло» ўзлаштиради. Демак, у — қобилиятли. Бошқаси эса фанлардан ўртача ўқийди-ю фикрлаш доираси бир хил шароитда, бир хил вақтда бошқаларга нисбатан бутунлай ажралиб туради. Ёки чизган сурати, ёзган шеъри билан сизни ҳайратга солиши мумкин. Мана бу истеъдод! Бундан чиқадики, истеъдод соҳиби қўйилган синовлардан ўтолмаслиги мумкин. Мана шу нарсанинг олдини олиш мақсадида кейинги пайтларда руҳий тест синовлари жорий қилинди. Аммо бу усул ҳали оммалашгани йўқ.

Йиғилишда жойлардан келган раҳбарларнинг шу хил маънодаги саволларига республика «Истеъдод» маркази директори Ботир Қодиров руҳий тест синовларини ўтказишда яқиндан ёрдам беражагини айтди. Лекин, бизнингча, бу муаммога шу билангина нуқта қўйиб бўлмайди. Энди танлаб олинган истеъдодли болаларга истеъдодли ўқитувчилар керак. Масаланинг бу томонига ҳам жиддий нигоҳ ташламоқ лозим. Биз айтиб ўтаётган бу фикрларимизни мажлисдаги мунозараларнинг таҳлилий нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёздик, холос.

Мажлис давомида жойлардан келган лицейлар, гимназиялар, шунингдек баъзи туман, вилоят «Истеъдод» маркази раҳбарларининг бугунги ўзини қийнаб турган муаммолари, ютуқлари хусусида гапириб ўтишди.

Очиқ музокаралар давом этар экан, баъзи масалаларга ойдинлик киритиш билан бирга бир фикрга келинмай қолган муаммолар ҳам бўлди. Дейлик, лицейлар мавқеини қандай қилиб ошириш мумкин? Фанларни қандай қилиб уйғунлаштирса бўлади? Баъзи дастурларнинг талабига мос дарсликлар йўқ. Бу масалаларга, албатта, газетхонлар ҳам бефарқ қарашмайди, деган умиддамиз.

## ЛИЦЕЙДА ФАН КАФЕДРАЛАРИ

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан 1992-1993 ўқув йилида Собир Раҳимов туманида 309-шарқ тиллари мактаб-лицейи ташкил этилганди. Шарқ мамлакатларининг маданияти, тарихи, тили, урф-одатларини чуқур ўрганишга ва малакали мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган ушбу лицей шу соҳага алоҳида иқтидори бор 7-синф ҳажмида мукаммал билимга эга ёшларни махсус танлов йўли билан аниқлаб, ўзига хос ўқув режаси, чуқурлаштирилган дастурлар асосида энг юқори дидактик талаблар даражасида таълим беришни таъминловчи янги турдаги ўқув муассасаси сифатида тез орада тилга тушди.

«Ўзбекистоннинг истеъдодли болалари» Республика илмий — амалий конференцияси иштирокчилари бир гуруҳи лицейга ташриф буюришиб, бу масканнинг ўқув-методик фаолияти билан танишдилар, ўзаро тажриба алмашишди.

Дарҳақиқат, лицей ўқув-тарбия жараёни барча жабҳалари олий ўқув юртлари тизимига яқинлаштирилган. Ўқув йили чоракларсиз, қишки ва баҳорги сессиялари тартибида ўтказилади. Ҳар бир ўғил-қиз ўқувчилик гувоҳномаси, синов дафтарчасига эга. Қишки ва баҳорги имтиҳон сессияларидан бир ҳафта олдин синов (зачёт) сессияси бўлади. Синов ва имтиҳон сессияларига киритиладиган фанлар лицей педагогик кенгаши томонидан белгиланади.

Шарқ тиллари лицейи таълимнинг бу каби ўзига хос хусусиятлари, айниқса, ўрта умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш учун қабул қилинган тартиб — қоидаларидан фарқ қилувчи кўпгина жиҳатлари меҳмонлар эътиборини тортди.

Бундан ташқари, мактаб-лицей ўқувчиларининг араб, инглиз, ҳинд, форс, турк ва урду тилларида бадиий чиқишлари, А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги «Отабекнинг ҳукм қилиниши» саҳнасини араб тилида, Навоий ва Ҳусайн Бойқаро суҳбати инглиз тилида маҳорат билан ижро этилиши меҳмонларни ҳайратга солди.

Мактаб директори Шоира Эрназарова, илмий ишлар бўйича директор муовини, география фанлари номзоди Асомиддин Ҳасановлар бу масканга ташриф буюрганларга лицейдаги босқичли ўқитиш, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Америка Қўшма Штатлари каби мамлакатлари ўқув масканлари билан ижодий алоқалар, лицей «Кичик Академияси» фаолияти, «Аҳли — ал — илм» ўқувчилар илмий жамияти Низоми ва фан кафедралари ҳақида сўзлаб бердилар.

Ҳақиқатан ҳам лицейда инглиз тили, шарқ тиллари, жаҳон иқтисодиёти, Тиллар (ўзбек, рус тили), табиий фанлар кафедралари фаолият кўрсатмоқда. Кафедраларга бирлашган ўқитувчилар лицейда мазкур ўқув йўналиши белгилаб берган ягона мақсад ва вазифалар бўйича ўқув-тарбиявий ҳамда илмий-методик иш олиб борадилар. Кафедралар танланган ихтисослик бўйича лицей ўқувчиларига бериладиган таълим ва тарбия таркибини, йўналишли ва махсус фанлар бўйича ўғил-қизлар ўзлаштиришлари зарур билим, кўникма ва малакалар мезонини, яъни лицей таълими стандартини белгилайди.

Кафедралар лицейнинг фақатгина ўқув-методик ишлар бўйича илмий-бошқарув бўғини бўлиб қолмасдан, балки асосий илмий-услубий маркази ҳамдир. Лицейда ўқув-тарбия жараёнини бошқарувининг бу муҳим бўғинида янги ўқув дастурлари, режалар, методик ишланмалар, таълим самарадорлигини аниқлаш бўйича турли-туман дидактик қўлланмалар, дарсликлар тузиш, уни таҳлил этиш ва лицей ўқувчиларини таъминлаш масаласи муҳокама қилинади. Сирасини айтганда, ягона мақсад ва вазифа асосида бирлашган бу илмий-методик уюшманинг лицей таълим тизимидаги ўрни ва аҳамияти каттадир.

Бу каби далиллар 309 — шарқ тиллари лицейи ЮНЕСКО тасаруфига олиниши бежиз эмаслигини кўрсатиб турибди. Хуллас, у ерга ташриф буюрган анжуман иштирокчилари бир олам таассуротлар билан қайтишди.

А. Навоий номидаги Нафис санъат лицейи ва 309-шарқ тиллари лицейларининг ўқув-методик фаолиятлари билан танишувдан сўнг анжуман иштирокчилари Низомий номидаги ТДПИ математика факультети залига тўпланишди.

Конференциянинг ёпилиш ялпи мажлисини Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Хайриддин Маъсудов олиб борди. Мажлисда шўъба раислари ҳисоботлари тингланди.

ЎзХТВ умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи Гуландон Алимова, янги турдаги ўқув муассасалари бўлими бошлиғи Зиёвиддин Жалолиддиновлар ва шўъба раислари иштирокчилар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб қайтардилар.

Ялпи мажлис якунида Республика истеъдод Маркази директори, профессор Ботир Қодиров конференция котибиятига тушган таклифлар ҳақида ахборот берди.

**Саҳифа материалларини Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ ва Алишер НАЗАРОВлар тайёрлади.**

